

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

АБИЕВ ЖАҲОНГИР НЕЪМАТОВИЧ

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТУРИЗМ ТАРМОҒИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Абиев Жаҳонгир Нёматович

Миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг
ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш..... 3

Абиев Жаҳонгир Нёматович

Совершенствование организационно-экономических механизмов
развития туристической отрасли в национальной экономике29

Abiev Jakhongir Nematovich

Improving the organizational and economic mechanisms
for the development of the tourism industry in the national economy53

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....57

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

АБИЕВ ЖАҲОНГИР НЕЪМАТОВИЧ

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТУРИЗМ ТАРМОҒИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt203 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sies.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пўлатов Мухиддин Эгамбердиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эргашев Раҳматулло Хидирович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қурбонов Зиёд Ниязович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» май соат __: __ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темура кўчаси, 9-уй. Тел.:(998 66) 233-19-84; Факс:(998 66) 231-12-53; e-mail: ilm@sies.uz

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темура кўчаси, 9-уй. Тел.:(998 66) 233-34-76; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: ilm@sies.uz

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.Ж.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

Н.Э.Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.н.

М.М.Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодий-ижтимоий ҳаётида туризм тармоғи муҳим ўринни эгаллаб келмоқда. Унинг дунё миқёсидаги ўрни ва роли йилдан-йилга ўсиб бораётган бўлиб, бугун ушбу соҳа дунё аҳолисининг кўплаб қисмини ўз доирасига бирлаштирди. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ)нинг маълумотларига кўра, “1950 йилда халқаро туристлар сони 25 миллион, 1980 йилда 278 миллион, 1995 йилда 528 миллион ва 2017 йилда 1 миллиард 400 миллион кишини ташкил этган ва бу кўрсаткич 2030 йилга келиб 1 миллиард 800 миллион кишига етиши башорат қилинмоқда”¹. Ушбу кўрсаткичнинг мамлакатимизда ҳам жадал ўсиши кўзда тутилган.

Жаҳон иқтисодиётида туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш юзасидан қатор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Булар туризмнинг дунё миқёсида тармоқ сифатида шаклланиш тарихи ва унинг ривожланиш босқичлари, туризмнинг иқтисодиётдаги ўрни, соҳани ривожлантириш омиллари, уларнинг таснифи ва тавсифи, туризмни ривожлантиришда рекламанинг ўрни, туризмда хизматларнинг сони ва сифати ҳамда аҳоли фаровонлигини кўтаришидаги роли, соҳани ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш истиқболларини белгилаш кабилардан иборат. Ушбу йўналишлар миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаш-тиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида туризмни ривожлантиришнинг ўрта муддатга мўлжалланган устувор йўналишлари белгиланган. Хусусан, “2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиغان йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозим”², деб таъкидланди. Бунга кўра, туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва изчил амалга ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, соҳани барча ҳудудлар бўйича комплекс ривожлантириш ва уни диверсификация қилиш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишининг қудратли воситасига айлантириш, яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини ошириш, иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш каби устувор вазифалар белгиланган. Аммо миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаш-тириш масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва иқтисодий

¹ UNWTO Tourism Highlights 2017 Edition.

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

адабиётларда ҳам кам ёритилганлиги мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сон фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони, 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5326-сон фармони, 2018 йил 6 февралдаги “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509-сон қарори, 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сон қарори, 2019 йил 5 январдаги “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4095-сон қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий иқтисодиёт тизимида туризмни тармоқ сифатида тан олиш ва уни назарий жиҳатдан ўрганишга асосан XX асрнинг охирилари, XXI аср бошларида катта аҳамият берилди. Туризмни ривожлантиришнинг назарий, услубий ва ташкилий масалалари хорижлик Робин Дж.Б.Ричи, Ларри Дуайер, Ган Ли, В.С.Боголюбов, В.П.Орловская, М.Б.Биржаков, А.Дурович, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, В.С.Сенин, Т.Т.Христов, А.Д.Чудновский, В.Г.Федцов каби³ олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.

Республикаимиз олимларидан Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева, А.Таксанов, М.Қ.Пардаев, Р.Атабаев, И.С.Тухлиев, Ғ.Ҳ.Қудратов, М.Э.Пўлатов, Қ.Ж.Мирзаев, Ш.А.Султонов, Э.Шавқиев, Х.М.Маматкулов, А.Бектимиров, А.Н.Норчаев, О.Ҳ.Ҳамидов, Б.Х.Тўраев, Б.Ш.Сафаров, Н.Э.Ибадуллаев, М.Т.Алимова, Д.З.Норкулова, М.Т.Алиева кабилар⁴ илмий изланишларида

³ J.R.Brent Ritchie. Tourism experience management research: Emergence, evolution and future directions. *International Journal of Contemporary Hospitality Management* 23(4):419-438. May 2011.; Larry Dwyer, Renata Tomljenovic, Sanda Corak. Evolution of destination planning and strategy. The rise of tourism in Croatia. 2016. – P.302.; Gang Li. Introduction to the Special Focus: Tourism forecasting - New trends and issues. *Tourism Economics*. December 2018.; Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма. М.: 2005. – 151 б.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. СПб.: Издательский Торговый Дом «Герда», 2006 г.; Дурович А.П. Организация в туризме. – СПб.: Питер, 2009. – 320 б.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма. Минск: 2002. – 407 б.; Квартальнов В.А. Туризм: Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2003.-320 б.; Сенин В.С. Организация международного туризма. М.: «Финансы и статистика» 2004, - 379 с.; Христов Т.Т. Религиозный туризм: учебное пособие. — 3-е изд., испр. — М.: Издательский центр «Академия», 2007. — 288 с.; Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2007. - 416 с.; Федцов В.Г. Культура гостинично-туристического сервиса: учебное пособие. – Ростов н/Д : Феникс, 2008. – 503 с.

⁴ Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. –Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. – 386 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. – Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. – 416 б.; Тухлиев Н.,

туризмни ривожлантиришнинг илмий-назарий ва услубий муаммолари тадқиқ қилинган.

Аммо, юқорида тилга олинган олимлар изланишларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар кенг ёритилганлигига қарамасдан, миллий иқтисодиёт тизимида туризмни алоҳида тармоқ сифатида яхлит ҳолда ривожлантириш, унинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини аниқлаш билан боғлиқ масалалар етарлича ўрганилмаган. Туризмнинг ҳудудлар ривожланишига таъсири билан боғлиқ масалалар ҳам иқтисодий адабиётларда кам ёритилган. Бундай ҳолат мамлакатимизда туризм тармоғини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ҳамда ушбу тармоқнинг миллий иқтисодиётга таъсирини кучайтириш бўйича чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади. Булар мазкур тадқиқотнинг асосий йўналишларини, мақсад ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацияни жорий қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

миллий иқтисодиёт тизимида туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини тадқиқ қилиш орқали соҳа самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий ва методологик асосларини

Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. –Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. – 386 б.; Тухлиев Н., Таксанов А. Экономика большого туризма. Т.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2001.- 208 с.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Услуги, технологии и продукты в туризме.-Т.: Гос. Науч. Изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2009 – 624 с.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Формальности в системе в туризме Республики Узбекистан.- Т.: Гос. Науч. Изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2007 - 504 с.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризмни ривожлантириш имкониятлари. - Т.: “Фан ва технология”. 2007. 32 б.; Тухлиев И.С. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2008. - 226 б.; Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2010. - 264 б.; Тухлиев И.С., Пардаев М.Қ. Туризм бозорининг шаклланиши, ривожланиши ва ўзига хос хусусиятлари. – Т.: “NOSHIRLIK YOG‘DUSI”, 2010. – 76 б.; Пўлатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж., Султонов Ш.А, Шавқиев Э. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув қуланма.Т.:Фан ва технология, 2018. – 296 бет.; Маматкулов Х.М., Бектемиров А.Б., Тухлиев И.С., Норчаев А.Н. Халқаро туризм. Дарслик. Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2009. – 192 б.; Маматкулов Х.М. Туризм ва сервисга оид изоҳли луғат. Самарқанд, СамИСИ, 2010. – 362 б.; Норчаев А.Н. “Халқаро туризм ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири”. Иқт. фан. дисс. ТДИУ, 2004 й. - 120 б.; Ҳамидов О. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмининг такомиллаштириш. И.ф.д.дисс. автореф. - Самарқанд, 2017.; Тураев Б.Х. Теоретика – методологические основы развития туризма. Т.: изд. «Фан», 2008. – 166 с.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография. - Тошкент: Фан ва технология, 2016. - 184 б.; Ибадуллаев Н. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). Иқт. фан. дисс. автореф. - Самарқанд, 2010.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. Иқтисодиёт, - Тошкент, 2015. – 300 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари // докторлик диссертацияси автореферати. Самарқанд СамИСИ, 2017. – 96 б.; Норкулова Д.З. Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллаштириш // иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд СамИСИ, 2018. – 65 б.; Алиева М.Т. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари. Монография. – Т.: “Фан” нашриёти, 2013. – 240 б.;

такомиллаштириш, мавзуга оид атама ва тушунчалар моҳиятини янада аниқлаштириш;

туризмни ривожлантириш бўйича жаҳондаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва мамлакатимизда қўллаш билан боғлиқ илмий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқиш;

туризмнинг мамлакат миллий иқтисодиётидаги ва ҳудуддаги ўрнини баҳолаш йўллариани такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларни асослаш;

туризмда самарадорлик ўзгаришига таъсир этувчи омиллар тизимини тадқиқ қилиш, уларнинг таснифини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш орқали тармоқда самарадорликни ошириш бўйича тегишли таклифларни асослаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича тавсиялар бериш;

туризмни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини оширишга қўшган ҳиссасига баҳо бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси туризм соҳаси ва ундаги барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, замон ва макон, тизимли ёндошув, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, математик ва статистик усулларидан, социологик сўров, SWOT-таҳлил кабилардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туристларнинг қўшимча хизматлардан фойдаланган сарф харажатларини қўшиб туризм соҳасининг ҳудуд ва мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улушини аниқлаш усули такомиллаштирилган;

ҳудуд иқтисодиётини юксалтириш ва туризм инфратузилмаси объектларини қуриш мақсадида бўш турган ер майдонларини хусусий ва хорижий тадбиркорларга аниқ инвестицион мажбуриятлар асосида электрон кимошди савдоси ўтказилмаган ҳолда тўғридан-тўғри ажратиш тартиби ишлаб чиқилган;

Самарқанд вилоятидаги маданий меърос объектлари ва музейларда қўшимча хизматларни жорий қилиш асосида туристларнинг туркунларини узайтириш эвазига туристик хизматлар самарадорлигини ошириш механизми такомиллаштирилган;

туризм соҳасида меҳнат самарадорлигини оширишга таъсир этувчи туристлар ва аҳоли сони билан боғлиқ омиллар таъсирини аниқлаш методикаси математик моделлардан фойдаланиб такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

туризм соҳасида иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган ва уларни баҳолаш орқали тармоқни ривожлантириш йўллари кўрсатиб берилган;

туризмнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини баҳолаш йўллари такомиллаштирилган, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар ишлаб

чиқилган ва улар асосида ягона комплекс кўрсаткични аниқлаш усули кўрсатиб берилган;

туризмда самарадорлик ўзгаришига таъсир этувчи омиллар, уларнинг таснифи ва баҳолаш йўллари кўрсатиб берилган, тармоқда самарадорликни ошириш бўйича тегишли таклифлар асосланган ва бошқарув қарорларини қабул қилишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

туризмни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини оширишни прогнозлаштириш йўллари кўрсатиб берилган;

миллий иқтисодиётнинг ривожланишида туризмнинг роли ва мос равишда унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар аниқланган, уларни тўртта гуруҳга бўлиб ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

туристик хизматларни ташкил қилишга кетадиган харажатларни қоплаш учун зарур бўлган инвестиция миқдори ва инвестор оладиган даромадларнинг қопланиш муддатларини аниқлаш йўллари кўрсатиб берилган;

туристик хизматлар турларини диверсификация қилиш, туризм тармоғи самарадорлигини оширишга қаратилган ички имкониятларни ишга солиш йўллари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар орқали, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг статистик маълумотлари ва даврий ҳисоботлардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти миллий иқтисодиёт тизимида туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини, унинг иқтисодиётдаги ўрнини баҳолаш, соҳа истиқболини белгилашнинг илмий-назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш, мақсадли илмий изланишларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти миллий иқтисодиёт тизимида туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини баҳолаш юзасидан услубий ва амалий йўналишдаги ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан соҳага оид истиқболли режа ва дастурларни тайёрлаш, мавжуд ҳолатни баҳолаш ва самарадорликни ошириш бўйича устувор вазифаларни белгилаш ҳамда инвестицияларни мақсадли йўналтириш, шунингдек тегишли олий ўқув юртлари таълим жараёнида фойдаланиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

туристларнинг қўшимча хизматлардан фойдаланган сарф-харажатларини қўшиб туризм соҳасининг ҳудуд ва мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги

улушини аниқлаш усули Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2017 йил 13 декабрдаги 03-09/4379-сон маълумотномаси). Мазкур тавсия туризмда яратилган ЯИМ ҳажми ва унинг мамлакат ҳамда ҳудуд ЯИМдаги улушини аниқ ҳисоблаш имконини берган ва туризмни мамлакат, ҳар бир ҳудуд бўйича ривожлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилган;

ҳудуд иқтисодиётини юксалтириш ва туризм инфратузилмаси объектларини қуриш мақсадида бўш турган ер майдонларини хусусий ва хорижий тадбиркорларга аниқ инвестицион мажбуриятлар асосида электрон кимошди савдоси ўтказилмаган ҳолда тўғридан-тўғри ажратиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2018 йил 1 июндаги 03-22/2456-сон маълумотномаси). Мазкур тавсия туризм соҳасига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ва қулай сармоявий муҳитни яратиш, инвесторларнинг мазкур йўналишда олиб борилаётган давлат сиёсатига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, шунингдек давлат тузилмаларининг инвесторлар билан ишлаш масъулиятини ошириш имкониятини берган;

Самарқанд вилоятидаги маданий меърос объектлари ва музейларда қўшимча хизматларни жорий қилиш асосида туристларнинг туркунларини узайтириш эвазига туристик хизматлар самарадорлигини ошириш механизми Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2018 йил 1 июндаги 03-22/2456-сон маълумотномаси). Мазкур тавсия туризм соҳаси субъектлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳудудларда туризм инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ҳамда туризм соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда муҳим ўрин тутиши белгиланган;

туризм соҳасида меҳнат самарадорлигини оширишга таъсир этувчи туристлар ва аҳоли сони билан боғлиқ омиллар таъсирини аниқлаш методикаси Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2018 йил 1 июндаги 03-22/2456-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянинг амалиётга жорий қилиниши туризмда меҳнат самарадорлигини ошириш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий иш, шундан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади, асосий вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, ишончлилиги, апробацияси, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилиниши каби масалалар ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Миллий иқтисодиёт тизимида туризм тармоғининг ўрни, уни ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари”**га бағишланган. Унда миллий иқтисодиётни ривожлантиришда туризм соҳасининг ўрни, унинг тармоқ сифатида шаклланиш тарихи ва миллий туризмнинг ривожланиш босқичлари, миллий иқтисодиёт тизимида туризмни ривожлантириш борасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва уларнинг босқичма-босқич такомиллашиб бориши ўрганилган.

Мамлакатимизда жуда катта туристик ресурсларнинг мавжудлиги ушбу соҳани жадал ривожлантириш учун асос бўлмоқда. Мазкур соҳа илгари эътибордан четда бўлган бўлса, мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб унга катта эътибор қаратилди. 1992 йилда туризм соҳасини бошқаришни тартибга солиш мақсадида “Ўзбектуризм” Миллий компанияси тузилган эди. Ушбу соҳа муттасил такомиллашиб келди ва жараён давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони⁵ биноан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди. Натижада нодавлат мақомига эга бўлган соҳа давлат тасарруфига ўтказилди ва давлат томонидан бошқариладиган ҳамда мувофиқлаштириладиган бўлди. Ушбу масалага эътибор мамлакатимизни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида янада кучайтирилди ва унга иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу фармон, қарор ва дастурлардан асосий мақсад, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ҳисобидан янги иш ўринларини яратиш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушумини кўпайтириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишдан иборатдир. Бундай муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда катта салоҳиятга эга бўлган туризм соҳасининг ўрни ва роли беқиёс.

⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-2666-сонли Қарори.

Туризмни ривожлантириш борасида қатор муаммолар мавжуд. Уларни ҳал қилиш масаласи юқоридаги қарор бўйича ишлаб чиқилган биринчи навбатда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурида кўзда тутилган. Аммо туризмнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги улушини аниқлаш масаласи бўйича амалдаги ҳисоб-китоблар тизими бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бунга сабаб, биринчидан, мазкур кўрсаткич фақат макро даражада турли коэффицентлар ёрдамида аниқланади. Ушбу усул билан ҳисобланган кўрсаткич ҳамиша ҳам аниқ бўлиши мумкин эмас.

Иккинчидан, туризмнинг ҳудудий ЯИМдаги ҳиссасини аниқлаш учун тегишли низом ёки бошқа тартиб ишлаб чиқилмаган. Натижада ушбу соҳанинг ҳудудлардаги ўрни ва унинг иқтисодиётдаги ролини аниқ белгилаш қийин кечмоқда. Шу туфайли, туризмни ривожлантиришдан ҳудуднинг манфаатдорлигини аниқлаш ҳам мураккаблигича қолмоқда.

Буларни инобатга олиб, туризмнинг мамлакат ва ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини, ЯИМдаги ва банд аҳолидаги улушини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу ерда, туристларнинг қўшимча хизматлардан фойдаланган сарф харажатларини қўшиб туризм соҳасининг ҳудуд ва мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини аниқлаш усули такомиллаштирилди.

Туризмнинг мамлакат ЯИМдаги улушини аниқлаш учун ҳозирги пайтда туристик хизматлар ҳажмининг (TX_x) мамлакат ЯИМдаги улуши ($ЯИМ_{тур.ул}$) ҳисобланади:

$$ЯИМ_{тур.ул} = \frac{TX_x * 100}{ЯИМ}; \quad (1)$$

Аммо хорижий туристлар билан ўтказилган сўровномалар шуни кўрсатдики, улар йўлланмага тўланган маблағдан ташқари ўзлари ҳам эркин юриб, транспорт воситаларидан фойдалангани, савдо корхоналаридан турли товарларни харид қилганлиги, миллий таомларни истеъмол қилганликлари, қўшимча маблағ тўлаб музей ва тарихий обидаларга ўз ихтиёрлари билан кириб, томоша қилганликлари каби харажатларни амалга оширганлиги тўғрисида маълумотлар олинди. Ушбу кўрсаткичлар сотилган туристик маҳсулотлар таркибида ўз ифодасини топмасдан келинмоқда. Буларни инобатга олиб, туризм тармоғида яратилган ЯИМни ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришни тавсия қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Бунинг учун ҳар бир туристнинг қилган қўшимча харажатларини уларнинг йўлланмалари қийматида қўшиб ҳисоблашни тавсия қилмоқдамиз. Бунини аниқлаш мақсадида 117 нафар хорижий туристлардан ўтказилган социологик сўровномалар натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, улар ўрта ҳисобда йўлланмага нисбатан қуйидаги миқдорда қўшимча харажат қилганлар:

- шаҳар бўйлаб ўз ихтиёри билан транспортдан фойдаланиш харажатлари (T_x) – 7,2 %;

- тарихий обидалар ва музейларга кириш билан оғлиқ харажатлар (TO_x) – 5,4 %;

- савдо корхоналаридан турли товарлар харид қилганлиги учун қилинган харажатлари (TC_x) – 12,8 %;

- миллий таомларни истеъмол қилиш ва деҳқон бозорларидан турли экологик тоза меваларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар (TX_x) – 8,3 %;

- бошқа харажатлар (TB_x) – 6,2 % ни ташкил қилмоқда.

Мазкур кўрсаткичлар асосида туризмнинг умумий тушумини (ЯИМтур) аниқлаш мумкин бўлади. Буни икки босқичда амалга ошириш тавсия қилинди. Биринчидан, ҳар бир туристнинг йўлланмасига қўшимча қилинган харажатлар ҳисобланиб қўшилади ва бир нафар туристдан олинган умумий даромад⁶ ($T_{уд1}$) аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$T_{уд1} = \left[\begin{array}{l} (T_{йн1} * T_x) + (T_{йн1} * TO_x) + (T_{йн1} * TC_x) \\ + (T_{йн1} * TX_x) + (T_{йн1} * TB_x) \end{array} \right] * 100; \quad (2)$$

Бунда: $T_{йн1}$ – бир нафар туристга тўғри келадиган туристик йўлланманинг ўртача нархи;

*($T_{йн1} * T_x$) – транспортдан ўз ихтиёри билан шаҳар бўйлаб фойдаланлиги орқали туристик маҳсулотга қўшган ҳиссаси;*

*($T_{йн1} * TO_x$) – тарихий обидалар ва музейларга кириш орқали туристик маҳсулотга қўшган ҳиссаси;*

*($T_{йн1} * TC_x$) – савдо корхоналаридан турли товарлар харид қилганлиги оқибатида туристик маҳсулотга қўшган ҳиссаси;*

*($T_{йн1} * TX_x$) – миллий таомларни истеъмол қилиш ва деҳқон бозорлардан турли экологик тоза меваларни харид қилиш орқали туристик маҳсулотга қўшган ҳиссаси;*

*($T_{йн1} * TB_x$) – туристларнинг бошқа турли харажатлари эвазига туристик маҳсулотга қўшган ҳиссаси.*

Мазкур формулага, социологик сўровномада ифода этилган бешта кўрсаткич киритилди. Келажакда ушбу кўрсаткичларни кўпайтириш ёки камайтириш ҳам мумкин. Бу барча ҳолатда аниқ маълумотлардан фойдаланиб ҳисоб-китоб қилиш учун методологик асос бўлиб ҳисобланади.

Бунда бешта кўрсаткичнинг маълумотлари алоҳида ҳисобланади ва натижаси жамланади. Ушбу усулни юқорида қайд этилган кўрсаткичлар бўйича амалий маълумотларни қўллаб ҳисоблаш йўлларини қараб чиқамиз (1-жадвал).

⁶ Ушбу формула муаллиф томонидан тавсия қилинмоқда.

1-жадвал

Тадқиқ қилинган туристик фирмаларда бир нафар туристнинг қўшимча сарф қилган харажатлари миқдорини аниқлаш ҳисоб-китоби⁷

Т/Р	Кўрсаткичлар	Турист йўлланмасининг ўртача қиймати, минг сўм	Турист қўшимча харажатларининг туристик йўлланмага нисбатан улуши, %	Туристнинг қўшимча сарф қилган суммаси, минг сўм
1.	Транспортдан ўз ихтиёри билан шаҳар бўйлаб фойдаланлиги орқали туристик маҳсулотга қўшган миқдори ва ҳиссаси	5478	4,2	230,1
2.	Тарихий обидалар ва музейларга кириш орқали туристик маҳсулотга қўшган миқдори ва ҳиссаси	5478	3,4	186,3
3.	Савдо корхоналаридан турли товарлар харид қилганлиги оқибатида туристик маҳсулотга қўшган миқдори ва ҳиссаси	5478	6,8	372,5
4.	Миллий таомларни истеъмол қилиш ва деҳқон бозорлардан турли экологик тоза меваларни харид қилиш орқали туристик маҳсулотга қўшган миқдори ва ҳиссаси	5478	5,3	290,3
5.	Туристларнинг бошқа турли харажатлари эвазига туристик маҳсулотга қўшган миқдори ва ҳиссаси	5478	2,4	131,5
ЖАМИ		5478	22,1	1210,7

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар бир ташриф буюрувчи турист, йўл ҳақидан ташқари, ўрта ҳисобда 5 478,0 минг сўмлик йўлланмага эга экан. Ҳар бир турист йўлланмасидан ташқари яна 1 210,7 минг сўмлик қўшимча харажат қилар экан. Бу йўлланманинг умумий суммасига нисбатан атиги 22,1 % ни ташкил қилади. Биз келтирган ҳолатда бир нафар туристнинг умумий харажатлари 6688,7 минг сўмни (5478,0+1210,7) ташкил қилади. Мазкур кўрсаткич бизнинг мамлакатимиз учун бир нафар туристдан олинган даромад бўлиб ҳисобланади. Бунга асосан жами туристлардан келган даромадни аниқлаш мумкин. Маълумотларга кўра 2017 йилда Самарқандга 91,3 минг нафар турист ташриф буюрган⁸.

Улар томонидан яратилган ҳудудий маҳсулотнинг умумий ҳажми 610972,6 минг сўмни ташкил қилади:

⁷ Социологик сўровномалар натижасида тўпланган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси маълумотларига асосан муаллиф томонидан шакллантирилган.

$$91,3 * 6688,7 = 610\ 972,6 \text{ минг сўм.}$$

Иккинчидан, туристлар қилган харажатларни ҳисобланган миқдор бўйича жамлаб, барча туристларнинг қилган харажатлари йўлланмаси билан биргаликда қанча маблағни ташкил қилиш ҳисобланади. Бу кўрсаткич уларнинг ҳудуд туристик маҳсулотига (ЯХМ_{тур}) қўшган ҳиссаси бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги формулалардан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\text{ЯХМ}_{\text{тур}} = T_{\text{уд1}} * \text{ХТ}_c \quad (3)$$

Бунда: ХТ_c – таширф буюрган хорижий туристларнинг сони;

$T_{\text{уд1}}$ – бир нафар туристдан олинандиган умумий даромад.

Қуйидаги формула асосида яратилган туристик маҳсулотнинг умумий қиймати, соҳа томонидан яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажми (ЯИМ_{тур}) аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$\text{ЯИМ}_{\text{тур}} = \sum_{i=1}^{14} \text{ЯХМ}_{\text{тур } i} \quad (4)$$

Бунда: $\sum \text{ЯХМ}_{\text{тур } i}$ – i -ҳудудларда яратилган ялпи ҳудудий маҳсулот миқдорининг йиғиндиси.

Мамлакатимиз миқёсида туризм соҳасида яратилган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ_{тур}) суммасини аниқлаш учун барча ҳудудларда яратилган ялпи ҳудудий маҳсулотлар жамланади.

Энди туризм тармоғининг ҳудуд ва мамлакат ЯИМдаги улушини қўшимчалар билан реал миқдорини (ЯИМ_{тур,ул}) аниқлаш мумкин бўлади.

Ушбу формулага амалий маълумотларни қўллаб, туристик маҳсулотнинг мамлакатимиздаги ҳар бир ҳудудлари бўйича алоҳида ЯИМдаги умумий ҳажмини аниқлаш мумкин бўлади (2-жадвал).

Бунинг учун жадвалнинг 5-устунидаги барча маълумотларнинг йиғиндиси аниқланандиган бўлса, 2017 йилда 4424,7 млрд. сўмни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич тармоқнинг мамлакат ЯИМдаги улушини англатади.

Мавжуд ҳисоб-китоб бўйича туризм соҳасининг фақат хорижий туристлар бўйича ЯИМдаги улушини 1,81 % миқдорида эътироф этилади. Агар туристларнинг қўшимча харажатларини (булар биз учун даромад, яъни туристик маҳсулот бўлиб ҳисобланади) инобатга оладиган бўлсак, туризмнинг мамлакат ЯИМдаги улуши яна 0,41 %га ошган бўларди. Бу ҳолда туризмнинг мамлакат ЯИМдаги улуши реал воқеликни ифодалаган ва аниқ маълумотга эга бўлган бўларди. Ҳозирги пайтда туризмда яратилган ушбу маҳсулоти савдо, овқатланиш, транспорт каби соҳалардаги яратилган ЯИМ таркибига қўшилиб кетмоқда.

Кирувчи туризм соҳасида яратилган ЯИМнинг ҳудудлар кесимидаги кўрсаткичлари (2017 йил учун)⁹

Республика, вилоят ва шаҳарлар номи	Кирувчи туризм бўйича ташриф буюрувчилар сони, киши	Кирувчи туризмдан яратилган ҳудудий маҳсулот, млн. сўм (ХТ _с *5478,0)	Туристларнинг йўлланмага қўшимча қилган харажатлари суммаси, млн. сўм (ХТ _с *1210,7)	Жами туристик маҳсулот, млн. сўм
1	2	3	4	5
Қорақалпоғистон Республикаси	5758	31542,3	6971,2	38513,6
Андижон	5105	27965,2	6180,6	34145,8
Бухоро	83415	456947,4	100990,5	557937,9
Жиззах	4555	24952,3	5514,7	30467,1
Қашқадарё	7233	39622,4	8756,9	48379,4
Навоий	8524	46694,5	10320,1	57014,5
Наманган	4742	25976,7	5741,1	31717,8
Самарқанд	91344	500382,4	110590,1	610972,6
Сурхондарё	7968	43648,7	9646,8	53295,6
Сирдарё	881	4826,1	1066,6	5892,7
Тошкент	10961	60044,4	13270,5	73314,8
Фарғона	10777	59036,4	13047,7	72084,2
Хоразм	80107	438826,1	96985,5	535811,7
Тошкент ш.	340149	1863336,2	411818,4	2275154,6
ЖАМИ	661519	3623801,1	800900,7	4424702,3

Бунга барҳам бериш учун туристик корхоналар туристларга хизмат қиладиган барча соҳаларни (овқатланиш, транспорт хизмати, туристларнинг шаҳар ва шаҳар ташқарисига сайр қилиши, туристлар буюртмаси асосида бошқа хизматлар) ўзларининг тасарруфида ташкил қилиш лозим бўлади. Мазкур ҳолатда туризмга хизмат қиладиган ушбу соҳалар ҳам туризмда яратилган туристик маҳсулот қўшилади ва яратилган маҳсулот қийматининг реаллиги таъминланади. Ушбу кластерда кўрсатилган хизматлар туристик маҳсулот таркибига киритилса, соҳада яратилган ЯИМ миқдорини реал баҳолаш имконияти яратилади (1-расм).

⁹ Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси маълумотларига асосан муаллиф томонидан шакллантирилган.



1-расм. Туризмнинг тармоқларини қамраб оладиган туристик кластер

Юқоридаги тавсияларимизнинг амалиётга жорий қилиниши, туризмда яратилган ЯИМ ҳажми ҳамда унинг мамлакат ва ҳудуд ЯИМдаги улуши аниқ ҳисоблаш имконини яратади.

Ишнинг иккинчи боби “**Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда туризм тармоғининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари**”га бағишланган. Ушбу бобда туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш имкониятлари, туризм тармоғининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари ва уларни баҳолаш усуллари, туристлар сонининг ортишини ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида ҳудудларда туризм инфратузилмасини яратиш масалалари тадқиқ қилинган.

Тадқиқот олдида қуйилган вазифа ва ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, туризмни ривожлантириш учун бир қанча ташкилий-иқтисодий механизмлардан фойдаланиш зарурлиги асосланди (2-расм).

Мамлакатимизга келадиган сайёҳлар сонининг ортишини ва ички туризмнинг ривожланишини инобатга олиб, ҳудуд иқтисодиётини юксалтириш ва туризм инфратузилмаси объектларини қуриш мақсадида бўш турган ер майдонларини маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга аниқ инвестицион мажбуриятлари асосида электрон кимошди савдоси ўтказилмаган ҳолда тўғридан-тўғри ажратиш тартиби ишлаб чиқилди. Ҳудудларда туристларни қабул қилиш ва жойлаштириш учун туризм инфратузилмасини шакллантириш мақсадида меҳмонхона, кемпинг, мотел, тематик парк, музей, галерея, меҳмон уйлари кабиларни барпо этишни амалга оширишда бўш турган ҳамда туристларга қулай бўлган ер майдонлари харитасини тузиш, уларга маҳаллий ва хорижий тадбиркор маблағларини жалб қилиш йўллари асосланди.

Туризм тармоғини ҳудудларда ҳам ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият берилганлиги мамлакатимизга келадиган сайёҳлар сонининг келажакда ортиб бориши билан боғлиқ. Туристларни қабул қилиш ва жойлаштириш учун ҳудудда туризм инфратузилмасини барпо этиш учун албатта ер майдонлари


керак. Мазкур заруратдан келиб чиқиб, бўш турган туристларга қулай бўлган ер майдонлари харитасини тузиш ва уларнинг қурилишини маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга кимошди савдосисиз бериш мақсадга мувофиқдир.



2-расм. Туризмни ривожлантириш учун таклиф қилинган ташкилий-иқтисодий механизмлар

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, хориждан келган туристлар қишлоқ ҳудудларини, миллий анъаналарни, яшаш шароитларини кўришга истак билдиришади. Аммо асосан шаҳар жойларида жойлашга меҳмонхоналарда

тунашни афзал кўришади. Ушбу масала бўйича сўровнома ўтказилган 217 нафар хорижий туристлардан олинган натижалар қуйидагича бўлди (3-расм).



3-расм. Хорижий туристлардан жойлаштириш жойига бўлган талаб бўйича олинган сўровнома натижалари¹⁰

Мазкур расм маълумотларидан кўриниб турибдики, хорижий туристларнинг асосий қисми, яъни 178 нафари Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарда тунашни хоҳлайди. Уларнинг 19 нафари албатта экологик манзарали жойларда яшашга ҳам истак билдирганлар. Худуддаги тарихий-маданий туристик объектлари бор жойлардаги меҳмонхоналарда яшаш истагини фақат 3,2 % меҳмонлар яъни 7 нафари билдирган. 6 нафар меҳмонлар учун қаерда тунашнинг аҳамияти йўқ. Айрим хорижий меҳмонлар, хавфсизлиги таъминланган туроператорлар тавсия қилган жойда яшашни хоҳлаганларининг улуши 1,8 % ни яъни 4 нафарни ташкил қилади. Меҳмонларнинг 3 нафари яъни жами сўровнома ўтказилганларининг 1,4%и Европа мамлакатларидан келган меҳмонларни кутишга мўлжалланган худудда жойлашган меҳмон уйларида яшаш истагини билдиришган. Булардан кўриниб турибдики, хорижий меҳмонларнинг 82,0 % Самарқанд шаҳрида тунашни афзал кўрса, атиги 18,0 % бошқа худудларда яшаш истагини билдиришган. Ушбу ҳолат, худудларда меҳмонларни яшашини таъминлаш учун туризм инфратузилмасини кенг ривожлантириб бўлмайди. Бу ерларда кундуз сайр қилишга мўлжалланган тематик парк, музей, галерея, овқатланиш шаҳобчаларини, кўнгилочар иншоатларни қуриш мақсадга мувофиқ.

Бундай худудлар иқтисодиётини юксалтириш учун унинг туристик салоҳиятидан келиб чиқиб, ички туризмни, айниқса экологик ва агротуризмни ривожлантиришга катта аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқдир.

¹⁰ Самарқанд шаҳрига 2017 йил май-август ойларида ташриф буюрган хорижий меҳмонлардан ўтказилган сўровномалар асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Худудларда ҳам туристик объектларни қуриш учун қулай, бўш турган ерларнинг камлиги туфайли, экологик ва агротуризмни ташкил қилиш учун туристларга қулай бўлган ер майдонлари харитасини тузишни, ҳар бир объектни қуриш лойиҳасини, барча омилларни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда хорижий туристлар билан мамлакатимиз фуқароларидан таркиб топган ички туристларнинг оқимини ҳам инобатга олиш лозим.

Тадқиқот натижасида Самарқанд вилоятидаги маданий меърос объектлари ва музейларда қўшимча хизматларни жорий қилиш асосида туристларнинг туркунларини узайтириш эвазига туристик хизматлар самарадорлигини ошириш механизми такомиллаштирилди. Бунга эришиш учун барча маданий мерос объектлари ва музейларда “SMART” технологияларини қўллаш орқали ташриф буюрувчиларни электрон рўйхатга олиш тизимини жорий этиш, аудиогидларни ўрнатиш, музей экспонатлари ва тарихий обидаларнинг хорижий тиллардаги электрон каталогларини ҳамда маданий мерос объектларига битилган араб ёзувларини таржима қилиш ва ўқиш имконини берувчи мобиль дастурини яратиш таклиф қилинди.

Энди қисқагина “SMART” технологиясининг мазмунига қарайдиган бўлсак, у инглиз тилидан олинган бир қанча сўзлар бош ҳарфидан ташкил топган. “S” ҳарфи Specific сўзининг бош ҳарфи бўлиб, “**аниқ**”, деган маънони беради, “M” ҳарфи “Measurable” сўзининг бош ҳарфи, “**ўлчанадиган**” деган маънони англатади, “A” ҳарфи ҳам инглизча “Attainable, Achievable” сўзнинг бош ҳарфи бўлиб, “**эришиладиган**”, деган маънони ифодалайди. “R” ҳарфи инглизча “Relevant” сўздан иборат бўлиб, “**долзарб**” деган маънони англатади. Ниҳоят “T” ҳарфи ҳам инглизча “Time-bound” сўздан иборат бўлиб, “**вақтнинг чегараланганлиги**”, деган маънони беради. Ўзбек тилида SMART сўзининг сўзма-сўз таржимасини **аниқ, ўлчанадиган, эришиладиган, долзарб, вақтнинг чегараланганлиги (АЎЭДВ)** англатади. Булардан **вақтнинг чегараланган пайтида долзарб масалаларни аниқ ўлчашга эришиладиган** ахборот технологиялари деган сўз туркуми келиб чиқади. Ушбу ҳолат соҳага замонавий ахборот технологияларидан бири бўлган “SMART” технологиясини қўллаш лозимлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, туризм соҳасида, яъни маданий мерос объектлари ва музейларга туристларнинг ташрифини ҳисобга олиш жараёнида аниқ маълумотга эга бўлиш учун, уни ўлчайдиган ҳолатга келтиришга эришиладиган, долзарб ва вақт жиҳатидан чегараланган ҳолатда “SMART” технологиясини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг муҳим жиҳати, келиб-кетган туристларни аниқ рўйхатга олиш билан бирга, пул тушумини ҳам аниқ ҳисоблаш имконини беради. Натижада пул тушуми ва уни ўзлаштириш билан боғлиқ турли қонунбузарликларнинг ҳам олди олинади.

Самарқанд шаҳридаги энг катта 6 та тарихий обидаларга кириш жараёнини кузатиш натижасида аниқландики, тарихий обидаларга ташриф буюрадиган барча туристларнинг 19,7 % чипта олмасдан ва пул тўламасдан кирмоқда. Агар ушбу обидаларга “SMART” технологиялари жорий этилса, ушбу йўқотишга барҳам берилган бўларди.

Муҳими туристларга тарихий обидаларимиз ҳақида тўлиқ маълумотлар тақдим этиш билан бирга, уларнинг Самарқандда қолиш давомийлигини узайтириш имконияти ҳам яратилади. Бу албатта туризмдан келадиган даромадни ошириш имконини беради. Буни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қилмоқдамиз:

$$ХТ_{обс} = [(ТO_c * НК_в) * T_c] * T_{бх} = 1_{тур.кун} * T_c * T_{бх}; \quad (5)$$

Бунда: ХТ_{обс} – туристларнинг ортиқча бўлишлигининг бир кунлик самараси;

ТO_c – туристик объектларнинг сони;

НК_в – тарихий обидаларни намойиш қилишга сарфланган қўшимча вақт;

T_c – тарихий обидаларга кирадиган хорижий туристлар сони;

T_{бх} – туристларнинг ўрта ҳисобда бир кунлик харажати.

Мазкур формула орқали туристларнинг хужжатли видеофильмини ҳар бир туристик объект бўйича намойиш қилиш натижасида ортиқча бўлишлигининг бир кунлик самараси аниқланади. Ушбу кўрсаткич орқали бир мавсум давомида қанча самарага эришганлигини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$ХТ_{ус} = ХТ_{обс} * МК_c; \quad (6)$$

ХТ_{ус} – хорижий туристларнинг ортиқча бўлишлигининг умумий самараси;

МК_c – мавсумдаги кунлар сони.

